

Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

202 йил 8 ноябрь

Қува тумани.

Жиноят ишлари бўйича Қува туман суди томонидан Қува тумани Иттифоқ м.ф.й. биносида очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Қ.Абдуллаев, Ғ.Исмоиловнинг котиблигида, тарафлардан Қува тумани прокурори ёрдамчиси Д.Абдуваққосов, судланувчи Б.Абдуллаевнинг адвокати О.Атаходжаев қатнашувида, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган

Абдуллаев Бахтиёр Хамидович (Abdullayev Baxtiyor Xamidovich), 1969 йил 01 сентябрь Қува туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўрта, муқаддам судланмаган, уйланмаган, мавсумий ишчи, Қува тумани Иттифоқ м.ф.й. Т.Қодирий кўчаси рақамсиз уйда яшовчига нисбатан 23.08.2021 йил куни «муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат» эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2021 йил 31 август куни олганга оид

1-1511-2102/267-сонли жиноят ишини суд мажлисида кўриб чиқди.

Суд, судланувчи, жабрланувчининг вакили, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара сўзларини, судланувчининг музокара, ҳимоя ва охирги сўзини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб ва ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Б.Абдуллаев 2021 йил куни 06 май куни соат 10:40ларда 40 F 152 МА давлат рақамли транспорт воситасида Қува тумани марказидан Асака тумани томонга ҳаракатланиб кетаётган вақтида, Қува тумани Янги ҳаёт МФЙ Новқат кўчаси 180-уй олдида ҳаракат йўналишини чап томонга ўзгартириши натижасида ўзи билан бир йўналишда орқама-орқа ҳаракатланиб кетаётган Т.Тошматовнинг бошқарувида бўлган “Дамас” 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомашинанинг ҳаракат йўналишига чиқиб юбориши натижасида, “Дамас” 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомашинасининг ўнг олд чап бурчаги билан 40 F 152 МА давлат рақамли транспорт воситасининг кузов қисми чап олд қисмига урилишига сабабчи бўлиб, натижада “Дамас” 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомашина бошқарувни



йўқотиб, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб, йўл четидаги кичик ариққа тушиб, бетон тўсиққа урилиб, ушбу машинада кетаётган йўловчи Каримова Санобархон Абдураимовна тан жароҳати олган.

2021 йил 06 май куни С.Каримова олган жароҳатлари натижасида вафот этган.

Судланувчи Б.Абдуллаев ушбу ҳаракталари билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 53-бандида кўрсатилган “Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак”лиги ҳақидаги талабларини бузган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 17.05.2021 йил 17 майдаги 222-сонли хулосасида С.Каримованинг ўлимига ёпиқ калла мия жароҳати, бош мия моддасини лат ейиши ва мия қоринчаларига қон қуйилиши сабаб бўлганлиги кўрсатилган.

Судга оид транспорт изшунослик экспертизасининг 2021 йил 08 июндаги 29-21-11(295)14.1Z/204-сонли хулосасига кўра, дастлабки тўқнашув вақтида “Дамас” русумли 40F152MA давлат белгили автомобилнинг олдинги чап томни, яъни олдинги зарб қайтаргич чап ён қисми, кузовнинг олдинги чап ён қисми, олдинги чап эшиги олд қисми ва чап орқа кўрсатувчи ойнаси билан, “Дамас” русумли 60K257MA давлат белгили автомобилни олдинги ўнг қисми, яъни олдинги ўнг эшик олд қисми, орқа ўнг эшиги ва ўнг орқани ойнаси билан тўқнашганлиги; биринчи тўқнашув вақтида “Дамас” русумли 40F152MA давлат белгили автомобиль билан “Дамас” русумли 60K257MA давлат белгили автомобилни ўқлари орасидаги бурчак қиймати $20^{\circ} \pm 5^{\circ}$ атрофида бўлган деган хулосага келиш мумкинлиги; тўқнашув вақтида “Дамас” русумли 40F152MA давлат белгили автомобиль ва “Дамас” русумли 60K257MA давлат белгили автомобиллари ҳаракатда бўлганлиги ҳақида хулоса қилинган.

Судга оид авто техник экспертизасининг 2021 йил 19 августдаги 76-сонли хулосасида, “Дамас” русумли 40 F 152 MA давлат рақам белгили автомашинаси ЙТХ жойига қадар 7.0 метр масофани 1.42 сонияда босиб ўтган бўлса, ҳайдовчи 50.0 км/соат тезликдаги “Дамас” 60 K 257 MA давлат рақам белгили автомобилни ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлмаганлиги, “Дамас” русумли 40 F 152 MA давлат рақамли белгили автомашинаси 50.0 км/соат тезлик билан ҳаракатланиб, ўз сўзидан аниқланган (А) нуқтадан (Б) тўқнашув нуқтасигача бўлган 7.0 метр масофани 0.30 сония вақт ичида босиб ўтганлиги аниқланганлиги, “Дамас” русумли 40 F 152 MA давлат рақам белгили автомашинаси ЙТХ жойига қадар 7.0 метр масофани аниқланган вақт 0.30 сония ичида



босиб ўтган бўлса, ҳайдовчи 50.0 км/соат тезликдаги “Дамас” 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомобилни ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлмаганлиги, “Дамас” русумли 40 F 152 МА давлат рақам белгили автомашинани хавф сифатида 7.5 метр масофадан кўрган вақтида, ҳайдовчи 50.0 км/соат тезликдаги “Дамас” 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомобилни ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан ҳодисани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Судланувчи Б.Абдуллаев судда ўзига эълон қилинган айбловга иқрор эмаслиги билдириб, “Дамас” русумли, 40 F 152 МА давлат рақам белгили транспорт воситаси бошқаришини, 2021 йил куни 06 май куни соат 10:40ларда Кува тумани Янги ҳаёт МФЙ Новқат кўчаси 180-уй олдида “Дамас”ни бошқариб, Кува тумани марказидан Асака тумани томонга 50 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётган вақтида уни ўнг ён томонидан оқ рангли “Нексия” русумли автомашина қувиб ўтгани, у машинани бироз чапга буриб, йўналишини ўзгартирган вақтида, чап томондан қизил рангли “Дамас” машинасининг олд қисмига келиб урилгани, зарб таъсирида машинасининг тормози ишламасдан, бошқарув рули қулфланиб қолгани, йўлнинг қарама-қарши томонига ўтиб тўхтаб қолгани, уни уриб юборган машина йўл четидаги “бетон тўсиқ”га урилиб тўхтагани, у аёл киши ерда тан жароҳати олиб ётганлигини кўргани, қизил рангли, “Дамас”нинг ҳайдовчининг ёнида ўтирган эркак киши унга ташланиб кетгани, бўлиб ўтган йўл транспорт ҳодисасида айби йўқлигини, лекин, унга тақдим этилган далиллар билан танишиб, айбига тўлиқ иқрорлигини, етказилган 12.000.000 сўм зарарни жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга қоплаб бергани, жазо тайинлашда енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.Каримов судда ўз кўрсатувида, Каримова Санобар онаси бўлиши, 2021 йил куни 06 май куни Кува туманида йўл транспорт ҳодисасига учраганлигини эшитгани, шу куни онаси шифохонада вафот этгани, судланувчи етказилган зарарларни қоплагани, жазо тайинлашда енгиллик беришни сўради.

Фуқаровий даъвогар Т.Тошматов судда ўз кўрсатувида, 2021 йил 06 май куни соат 10:40ларда “Дамас” русумли 60 К 257 МА давлат рақам белгили автомашинасида таниши О.Ҳакимов ва қариндоши С.Каримова билан Кува тумани марказидан Асака тумани томонга тахминан 50 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётган вақтида, ундан 20 метр масофа олдинда у ҳаракатланиб турган йўналишнинг ўнг четки қисмида оқ рангли “Дамас” ҳаракатланаётганини кўргани, ушбу автомашинага 7-8 метр қолганида, у бирданига бурилиш чироғини ёқмасдан уни йўналиши томонга ҳаракатини ўзгартиргани, у хавфни олдини олиш мақсадида, автомашинани уриб юбормаслик учун рулни чапга олиб тормоз тепкини босгунича, ушбу машинанинг чап олд кузов қисмига



автомашинанинг олд ўнг қисми билан урилгани, ушбу вақтда у машинаси билан йўл ўртасидаги сидирға чизик устига чиқиб қолгани, тўқнашган нуқтаси эса дастлаб ҳаракатланиб келиб турган йўналишида бўлгани, у бориб машинага урилган вақтида С.Каримова машинасининг орқа ўриндиғида дам олиб келаётган бўлгани, тўқнашиб кетиши натижасида у қарама-қарши йўналишга чап томонга қараб ҳаракатланиб кетиб тормоз босган ҳолда йўл четидаги кичик ариққа тушиб, ёнбошлаб қолгани, автомашина эшиги ариқ ичида турганлиги сабабли, етиб келган одамлар уни ҳайдовчи ёнидаги эшик орқали чиқариб олишгани, машина орқа ўриндиғида ўтирган қариндоши С.Каримова ариқ бўйида, тан жароҳати олган ҳолатда унинг томоғидан қон оқиб ётган ҳолатда кўргани, тўқнашиб кетган Б.Абдуллаевдан нима учун автомашинасида йўлга қайрилиб юборганлиги, нима сабабдан тормоз тепкисини босмаганлигини сўраганида, у қўл тормози ишламай қолгани, руль қисми қулфланиб қолганлигини айтгани, автомашинасига етказилган зарар бўйича даъвоси йўқлигини, судланувчи етказилган зарарларни қоплагани, жазо тайинлашда енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ О.Хакимов судда ўз кўрсатувида, 2021 йил куни 06 май куни соат 10:40ларда Т.Тошматовни қизил рангли “Дамас”ида бирга орқа ўриндиғида Т.Тошматовни синглиси С.Каримовалар билан 50 км/соат тезликда ҳаракатланиб кетаётган вақтларида, улардан 10-15 метр масофа олдинда ҳаракатланиб турган оқ рангли “Дамас” русумли 40 F 152 МА давлат рақам белгили автомашина бирдан йўналишини ўзгартиргани, унинг олд қисмига бориб урилиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб ағдарилиб кетишгани, С.Каримованинг томоғидан қон келиб хушсиз бўлгани, “Дамас” русумли, 40 F 152 МА давлат рақам белгили транспорт воситаси уларнинг ҳаракат йўналишини томонга огоҳлантирмасдан йўналишини ўзгартиргани йўл транспорт ҳодисасига сабаб бўлганини билдирди.

Гувоҳ Ж.Юсупов судда ўз кўрсатувида, эксперт мутахассис экани, судга оид авто техник экспертиза тажрибасини ўтказгани, “Дамас” русумли 40 F 152 МА давлат рақам белгили автомашина ЙТХ жойига қадар 7.0 метр бурилиш масофасини 1.42 сонияда босиб ўтган бўлса, шу сониягача 50.0 км/соат тезликдаги “Дамас” 60 K 257 МА давлат рақам белгили автомобили 19,7 метр узоқликда бўлгани, шу вақт оралиғида “Дамас” 60 K 257 МА давлат рақам белгили автомобили хавфни олдини олиб қолиш учун автомашинани тўхтатиб олиш техник имкониятига эга бўлмагани, бу ҳолатлар 2 вариантда текшириб чиқилгани, йўл транспорт ҳодисаси “Дамас” русумли 40 F 152 МА давлат рақамли белгили автомашина тўсатдан ўз йўналишини ўзгартиргани натижасида содир бўлганини билдирди.

Судланувчи Б.Абдуллаевнинг юқоридаги жиноятни содир этганликдаги айби юқоридагилардан ташқари, жиноят иши ҳужжатларига қўшилган воқеа жойи ва транспорт воситасини кўздан



кечириш ҳақида тузилган баённомалар, унга илова этилган чизма ва фотосуратлар, судга оид транспорт изшунослик экспертизасининг 2021 йил 08 июндаги 29-21-11(295)14.1Z/204-сонли хулосаси, судга оид авто техник экспертизаси 2021 йил 19 августдаги 76-сонли хулосалари билан тўлиқ ўз тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Б.Абдуллаевнинг юқоридаги жиноий қилмиши дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди. Чунки, судланувчи Б.Абдуллаев транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этиб, жабрланувчи С.Каримованинг ўлимига сабабчи бўлган.

Суд, судланувчи Б.Абдуллаевга нисбатан жазо тури ва унинг миқдорини белгилашда, уни яшаш жойидан ижобий тавсифланиши, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, ёшлигини, марҳумнинг жабрланувчининг яқин қариндошларидан кечирим сўрагани, жабрланувчининг вакилини судланувчига енгиллик сўрагани ва уни кечирганини жазони енгиллаштирувчи ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 14 декабрь кунги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорини 25-бандидаги раҳбарий кўрсатмаларига асосланиб, судланувчига Ўзбекистон Республикаси ЖК 57-моддасини татбиқ этиб, у айбланган модда санкциясида назарда тутилмаган бошқа жазо тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд Б.Абдуллаевга Ўзбекистон Республикаси ЖК 45-моддасига мувофиқ, қўшимча жазо қўллаш масаласини муҳокама қилиб, судланувчи юқоридаги жиноятни транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб содир этгани, оқибатда одам ўлимига сабабчи бўлганини эътиборга олиб, унга суд томонидан тайинланган муддат давомида барча турдаги транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454-457, 460, 462-463, 465-468 ва 471-472-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Абдуллаев Бахтиёр Хамидович (Abdullayev Baxtiyor Xamidovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан айбли деб топилсин.

Судланувчи Абдуллаев Бахтиёрга Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 2-қисми билан, ЖК 45-моддасини қўллаб 2 (икки) йилга



транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, ЖК 57-моддасини татбиқ этиб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлатга ундирган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазоларни ижро этиш Қува туман ИИБ пробация гуруҳига юклатилсин. Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси Қува туман ИИБ пробация гуруҳи томонидан белгиланган жойда ўтатирилсин.

Б.Абдуллаевга қўлланилган “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчининг вакили А.Каримов ва фуқаровий даъвогар Т.Тошматовнинг судланувчига ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги эътиборга олинсин.

Ҳукмдан норози томон ҳукм эълон қилингач, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олгач йигирма сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судига апелляция тартибида шикоят, прокурор эса протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи :

Қ.Абдуллаев

